

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПСИХОЛОГЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА КАСБ ТАНЛАШ, КАСБИЙ ФАОЛИЯТ МАСАЛАЛАРИ**

**Подполковник Хўжаев Журабек Икрамбоевич**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси  
Жамоат хавфсизлиги университети магистранти  
Илмий раҳбар: P.f.b.f.d (PhD), подполковник  
**Алмардонов Зоҳид Шукуруллаевич**

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада ўзбек олимларининг касб танлаш, касбий фаолият масалаларида олиб борган тадқиқотлари, касбий фаолиятда офицерларнинг туганган ўрни ва уларнинг вазифаси ҳам кенг ёритилган. Офицерларнинг касб танлаш, касбий фаолияти ҳарбий психология негизида таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлари:** касб танлаш, касбий фаолият, педагогик қобилият, касбий компонентлик.*

## **ВЫБОР ПРОФЕССИИ, ВОПРОСЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ИССЛЕДОВАНИИ ПСИХОЛОГОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье также широко освещаются исследования, проведенные узбекскими учеными по вопросам выбора профессии, профессиональной деятельности, роли офицеров в профессиональной деятельности и их обязанностей. Выбор карьеры и профессиональная деятельность офицеров проанализированы на основе военной психологии.*

***Ключевые слова:** профессиональный выбор, профессиональная деятельность, педагогические способности, профессиональная составляющая.*

## **PROFESSION CHOICE, PROFESSIONAL ACTIVITY ISSUES IN THE RESEARCH OF PSYCHOLOGISTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

### **ABSTRACT**

*In this article, the research conducted by Uzbek scientists on the issues of career choice, professional activity, the role of officers in professional activity and their duties are also widely covered. Career choice and professional activities of officers were analyzed on the basis of military psychology.*

*Key words: career choice, professional activity, pedagogical ability, professional component.*

## **КИРИШ**

Замонамизнинг шиддат билан ўзгариб, ривожланиб бораётган бир вақтда, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларига бўлган эътибор ва талаблар ҳам тобора ортиб бормоқда. Ушбу талаблардан келиб чиқиб бўлажак офицерлар психологиясини ўрганиш ҳам долзарб масалага айланмоқда. Офицерлар касбий ривожланишининг психологик жиҳатларини ўрганишда, уларнинг касбий тайёргарлик бўйича билими, маҳорати, кўникмалари ва тарбиявий функцияси беқиёс аҳамият касб этади. Илмий адабиётларда педагог касбий тайёргарлигининг психологик жиҳатлари маҳаллий психологлар томонидан чуқур илмий муҳокама қилинган. Лекин, айнан бўлажак офицерларнинг касбий тайёргарлиги кам ўрганилганлиги бизнинг тадқиқотларимизнинг долзарблигини белгилайди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “**2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**” ПФ-60-сонли фармонининг 90-мақсадининг бажарилиши ҳам таъминланмоқда.

Педагог кадрлар касбий тайёргарлигининг муҳим жиҳатларини ўрганиш ва уни илмий жиҳатдан асослаш мустақиллик йилларида педагогика фанларининг ҳам устувор вазифасига айланди. Жумладан, кейинги йилларда мазкур муаммо бўйича Ю.Н.Абдуллаев, Б.Р.Адизов, М.Э.Жумаев, С.Лашин, М.Ю.Махкамова, Н.Д.Махмудова, Г.И.Махмутова, Г.Н.Нажмиддинова, Р.У.Нуржонова, Д.Ш.Олимова, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, Р.Ф.Сафарова, О.Қ.Ҳайдарова, Д.И.Рўзиева, Б.Х.Ходжаевлар амалга оширган тажрибалари эътиборга лойиқдир.

Психолог олимлардан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Р.З.Гайнутдинов, Ф.С.Исмаилова, Е.Ю.Агзамова, И.Р.Эргашев, Р.З.Асомова, У.С.Жумаев, Р.Б.Абдурахмонова, Н.Х.Мураталиева, И.Н.Аслонов ва бошқаларнинг тадқиқотларида айнан касбий тайёргарлик масалалари ёритилади.

М.Г.Давлетшин тадқиқот натижаларига таянган ҳолда “педагогнинг шахсий ва касбий фазилатлари унинг касбий тайёргарлиги ва меҳнат фаолияти давомида узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб боради”<sup>1</sup> деган хулосага келади..

<sup>1</sup> М.Г.Давлетшин “Ёшлар даври ва педагогик психология”, Тошкент-2004, 114-125 бетлар

М.Г.Давлетшин ҳозирги таълим жараёнида замонавий педагогга муаллимнинг шахсига, касбига хос хислат ва фазилатларнинг мужассам бўлиши, улардан ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўринли, меъёрида фойдалана олиш зарурлигини назарда тутди. Улар: 1) педагогнинг шахсий хислатлари, 2) касбий билими, 3) касбий хислатлари, 4) шахсий педагогик уддабуронлиги, 5) ташкилотчилик малакалари, 6) коммуникатив малакалари, 7) гностик малакалари, 8) ижодий хислатлари мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади. Олим юқорида қайд этилган касбий сифатларни бўлажак офицерларга нисбатан қўллаш мумкинлигини таъкидлаб, бир нечта айнан офицерларга хос бўлган сифатларни қайд этиш мумкин: қатъиятлилик, масъулият, интизомлилик, ватанпарварлик, фидойилик, инсонпарварлик, мардлик, жасурлик, садоқатлилик. Ҳарбий офицернинг эзгу мақсад сари интилиши, меҳнатсеварлиги, қатъийлиги, камтарлиги, ҳақгўйлиги, садоқатли бўлиши, намунали хулқи, юриш туриши, ўзини тута билиши, муомала маданияти, дипломатлиги, ташқи қиёфаси, ... унинг ўз касбий фаолиятига тайёрлиги ва ўқув-тарбиявий жараёни самарасини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини эътироф этамиз.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Курсантларнинг касбий тайёргарлиги асосан учта муҳим омилга боғлиқ:

1. Курсантларнинг жисмоний тайёргарлиги, улар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва компетенцияларнинг пухталиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлигига;
2. Ўқув-жанговор, жанговор ва тарбиявий ишларни оқилона оқилона ташкил этиш ва назорат қилиш сифатига;
3. Курсантларнинг мустақил тайёргарлиги, уларни билим олиш ва амалий кўникмаларга ўргатиш ва бу соҳада муайян маслаҳатлар, тавсиялар бериб бориш.

Республикамизда кейинги йилларда чоп этилган “Ҳарбий психология ва педагогика” дарсликларид<sup>2</sup> бўлажак офицерларнинг 1) тезкор қарорлар қабул қилиш; 2) ҳарбий мутахассис; 3) хизмат бурчига садоқат; 4) бир вақтнинг ўзида яқка ҳамда жамоа таркибида тўғри ва аниқ ҳаракатлана олиш; 5) ибрат-намунавийлик; 6) сабр-тоқатлилик; 7) офицерлик одоби; 8) маънавий юксаклик; 9) касбга садоқатлилик; 10) ижтимоий фаоллик; 11) нутқий қобилиятлилик; 12) ташаббускорлик; 13) ташкилотчилик. Мазкур хусусиятлар бўлғуси

<sup>2</sup> Р.М.Махмудов “Ҳарбий психология ва педагогика”, Тошкент;-2019. 206-226-бетлар

офицерларнинг касбий фаолияти самарасини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида хизмат қилади.

Р.З.Гайнутдинов<sup>3</sup> докторлик диссертациясида ўқитувчи педагогик фаолияти компонентлари реализацияси даражаси, шахсий хоссалари, омиллари таҳлили асосида касбий фаолиятнинг самарадорлигини белгиловчи мезонларни ажратиб кўрсатади:

- шахсий-профессионал компонентликнинг ўз-ўзига нисбати;
- ўзини ўзи долзарблашга интилиш;
- эмоционал барқарорлик ва касбий идентификация;
- ўз-ўзига ҳурмат ва “Мен” нинг ички мувофиқлиги;
- динамизм, ютуқларга эришиш эҳтиёжи, экстровертлик, атрофдагиларнинг ўзига нисбатан позитив муносабатини кутиш;
- интерваллик (ички назорат даражаси). Шахсий хоссалар намоён бўлишининг юқори даражалари педагогик фаолият компонентларини ижодий реализациялайдиган прогрессив ўқитувчи типини тикланишига кўмаклашади. Олимнинг юқоридаги фикрларини офицерларнинг касбий фаолтга тайёргарлиги билан боғлаб ....

Шунингдек, Ф.С.Исмаилова<sup>4</sup> мутахассисларнинг касбий тажрибаси ва бозор иқтисодиёти шаклланиш даврида уни бошқаришга бағишланган диссертациясида кўрсатилишича, касбий тажриба самарадорлиги мезони мутахассиснинг рақобатбардошлиги саналади. Рақобатбардошлилик мутахассисининг профессионал хусусияти сифатида меҳнат бозорида ва ташкилотда унинг устунлигини талаб қилади. Республикамиз миқёсида юридик психология доирасида бажарилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди.

Е.Ю.Агзамованинг<sup>5</sup> (2001) тадқиқоти ички ишлар ходимларининг шахсий-психологик хусусиятлари намоён бўлишини белгиловчи омилларни ўрганишга бағишланган. ИИВ ходимлари касбий тикланишида ўзига хослик мавжуд бўлсада, умумпсихологик қонуниятлар ҳам мавжудлиги исботланган. Улар шахсий тавсифномалар аҳамиятлигидан иборат. Тадқиқотчи ички ишлар ходимлари шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари намоён бўлишига таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

<sup>3</sup> Р.З.Гайнутдинов<sup>3</sup> “Ўқитувчи педагогик фаолияти компонентлари реализацияси даражаси” докторлик диссертацияси

<sup>4</sup> Ф.С.Исмаилова<sup>4</sup> “Мутахассисларнинг касбий тажрибаси ва бозор иқтисодиёти шаклланиш даврида уни бошқариш” диссертацияси

<sup>5</sup> Е.Ю.Агзамова “Ички ишлар ходимларининг шахсий-психологик хусусиятлари намоён бўлишини белгиловчи омиллар” диссертацияси. Тошкент- 2001.

- психологик ишонччилик ва барқарорлик;
- касбий сезгирлик ва идроқчилик;
- субъектив назорат.

И.Р.Эргашевнинг<sup>6</sup> терговчининг дастлабки тергов қатнашчилари билан мулоқот психологиясини ўрганишга бағишланган тадқиқотида бизнинг илмий қизиқишларимиз нуқтаи назаридан муҳим ҳулоса шуки, терговчиларнинг дастлабки тергов қатнашчилари билан психологик алоқа ўрнатишида самарадорлик ҳал қилувчи даражада уларнинг касбий мулоқотга касбий психологик тайёрланганлиги даражасига боғлиқ. Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий диагностика муаммоларига доир тадқиқот иши К.Б.Қодиров<sup>7</sup> томонидан олиб борилган. Бунда асосий қоида касбий йўналганлик умуман мойилликларда, қизиқиш ва қадриятларда ифодаланиб, касбий ривожланишнинг мазмуний томони саналади. Касб танлаш чоғида психологик тайёргарлик ёки етуқлик касбий ўзини ўзи англашнинг муҳим омили бўлиб, касбни тўғри танлашга ёрдамлашади ва куч, барқарорлик, кескинликда намоён бўлади, бу онглилик, мустақиллик билан таъминланади ва касбий танловнинг формал-динамик жиҳатига киради. Шундай қилиб, касбий танловнинг барча мазмуний ва формал-динамик жиҳатлари, умуман шахснинг касбий ривожланиши маълум стратегияси шаклланишига кўмаклашади. Шу билан бирга К.Б.Қодиров тадқиқотининг эмперик қисми маълумотларига асосланиб ҳулоса қиладики, интеллектуал қобилиятлар, шахс мотивлари, йўналганлик, мойиллик тенденция ва бошқалар билан узвий боғлиқликда бўлиб, ёшларнинг касбий тикланиш асоси саналади. Шахс атроф-муҳитга, қадриятларга, фаолият турлари мазмунига танлаб, шу жумладан, ўз ақлий имкониятларига мувофиқ муносабатда бўлади. Бизнингча, буни ақлий имкониятлар сифатида эмас, уларнинг психологиядаги аънанавий талқиндан фойдаланилса, ўзини ўзи англаш, рефлексив жараёнларининг шаклланганлиги ва ривожланганлиги даражаси сифатида таърифлаш аниқроқ бўларди.<sup>8</sup>

Диссертант Р.З.Асомова “Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси” номли илмий изланишида касб танлаш мотивлари механизмлари, уларнинг бирламчи манбалари, ҳаракатлантирувчи кучлари, динамикаси ва шахснинг индивидуаллиги масалалари атрофлича очиб берилган. Шунингдек, касбий мотивларнинг мутахассисни касбий тайёргарлиги ўртасидаги боғлиқлик, ҳамда

<sup>6</sup> И.Р.Эргашев “Терговчининг дастлабки тергов қатнашчилари билан мулоқот психологиясини ўрганиш” диссертацияси.

<sup>7</sup> К.Б.Қодиров “Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий диагностикаси” диссертацияси.

<sup>8</sup> С.Х.Жалилова, Ф.И.Хайдаров, Н.И.Халилова “Касб психологияси”, Тошкент-2010, 25-27 бетлари

касбий ва ўқув мотивлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалалари ҳам кенг доирада тадқиқ қилинган.<sup>9</sup>

У.С.Жумаев томонидан “Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизими шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик ишида кичик, реал гуруҳ аъзолари ўсмирларда касб танлашга муносабат ва унинг умумтаълим мактаб ўқувчиларида шаклланиши, намоён бўлиши ва динамикаси илк бор тадқиқ қилинди. Шунингдек, фаолиятлари жараёнида касб танлашга муносабат тизими кўрсаткичлари (ўртача умумий ва қиёсий-типик) таҳлил этилди ва тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқилди, касб танлашга муносабат тизимининг ёш хусусиятлари тавсифлаб берилди.<sup>10</sup>

И.Н.Аслонов<sup>11</sup> томонидан “Божхона тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кадрларнинг шахсий психологик тайёргарлиги омиллари (муомала жараёни мисолида)” олиб борган тадқиқот ишида боғхона ходимларининг касбий фаолият доирасида уларнинг касбий муомаласи моҳияти ва мазмуни белгилаб берилди, боғхона хизмати ходимининг самарали муомаласига таъсир этувчи психологик қийинчиликлар ва тўсиқлар таҳлил этилди ва уларга аниқликлар киритилди. Шунингдек, боғхона ходимининг касбий фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларда самарали профессионал муомала малакаси ва кўникмаларини шакллантириш бўйича амалий таклифлар ҳамда ташкилий-методик воситалар ишлаб чиқилади.<sup>12</sup>

## **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, юртимиз психологларининг касбий тикланишининг турли босқичларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари таҳлилда ривожланишнинг шахсий омиллари, шахснинг касбий фаолияти доирасида тикланишининг ҳал қилувчи ролига асосий эътибор қаратилади. Англаганингиздай, мустақилликнинг ривожланиш даражаси, яъни, ижтимоий етукликни ҳисобга олиш кўп жиҳатдан курсантларда касбий тикланиш механизмини ўрганиш имконини беради. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, республикада психологлар томонидан бўлажак офицерларни касбга йўналтириш, касб танлаш масалаларига доир бир қатор илмий изланишлар

<sup>9</sup> Р.З.Асомова “Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси”, диссертация

<sup>10</sup> У.С.Жумаев томонидан “Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизими шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари”, диссертация

<sup>11</sup> И.Н.Аслонов<sup>11</sup> томонидан “Божхона тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кадрларнинг шахсий психологик тайёргарлиги омиллари (муомала жараёни мисолида)” диссертация

<sup>12</sup> И.Н.Аслонов томонидан “Божхона тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кадрларнинг шахсий психологик тайёргарлиги омиллари (муомала жараёни мисолида)”, диссертация

олиб борилмоқда. Бу эса муаммони турли жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга бўлажак офицерларни онгли равишда тўғри касб танлашга йўналтириш, касб танлашда учрайдиган хато ва камчиликларни олдини олиш ҳамда касбий ўзликни шакллантириш доирасида ечими топилмаган муаммолар ҳам талайгина. Шу боис республикамиз психолог олимлари томонидан бу борада бир катор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

## REFERENCES

1. М.Г.Давлетшин “Ёшлар даври ва педагогик психология”, Тошкент-2004, 114-125 бетлар
2. Р.М.Махмудов “Ҳарбий психология ва педагогика” , Тошкент;-2019. 206-226-бетлар
3. Р.З.Гайнутдинов<sup>1</sup> “Ўқитувчи педагогик фаолияти компонентлари реализацияси даражаси” докторлик диссертацияси
4. 4 Ф.С.Исмаилова<sup>1</sup> “Мутахассисларнинг касбий тажрибаси ва бозор иқтисодиёти шаклланиш даврида уни бошқариш” диссертацияси.
5. Е.Ю.Агзамова “Ички ишлар ходимларининг шахсий-психологик хусусиятлари намоён бўлишини белгиловчи омиллар” диссертацияси. Тошкент-2001.
6. К.Б.Қодиров “Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий диагностикаси” диссертацияси.
7. К.Б.Қодиров “Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий диагностикаси” диссертацияси.
8. С.Х.Жалилова, Ф.И.Хайдаров, Н.И.Халилова “Касб психологияси”, Тошкент-2010, 25-27 бетлари
9. Р.З.Асомова “Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси”, диссертация
10. У.С.Жумаев томонидан “Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизими шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари”, диссертация
11. И.Н.Аслонов томонидан “Божхона тизими фаолияти самарадорлигини оширишда кадрларнинг шахсий психологик тайёргарлиги омиллари (муомала жараёни мисолида)” диссертация
12. С.Х.Жалилова, Ф.И.Хайдаров, Н.И.Халилова “Касб психологияси”, Тошкент-2010, 25-27 бетлари